O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI BAXMAL TUMANI HOKIMINING QARORI

IND:131000 *O’smat sh. Mustaqillik ko’chasi 42-uy.*

2022 - yil 6 - iyul 249-3-44-Q/22 Baxmal tumani hokimligi

Туманда автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2022 йил 18 апрелдаги 198-3-0-Q/22-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, 2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида туманда автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳар қандай ҳодисалардан кафолатли ҳимоя қилиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6- ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2022 йил 18-апрелдаги 198-3-0-Q/22-сонли қарорлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

а) Нукус ва Тошкент шаҳарлари, вилоятлар марказларида чорраҳаларни тўлиқ, рақамли бошқарув тизимига ўтказиш бўйича шахсий масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклатилганлиги;

б) Нукус ва Тошкент шаҳарлари, вилоятлар, туман (шаҳар)лар марказларида йўл белгилари, кўрсаткичлари ва светофорларни ўрнатиш, йўл чизиқларини чизиш, пиёдалар ўтиш жойларини белгилаш орқали йўл ҳаракати воситаларини тартибга солишга ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари (кейинги ўринларда - йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари) масъул ҳисобланиши;

в) туман (шаҳар) ҳокимликларига ўз ҳудудларидаги автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилганлиги ҳамда мазкур дастурий-техник воситалар орқали қайд этилган қоидабузарликлар учун жарима суммасининг 30 фоизи бевосита туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига йўналтирилиши ва ушбу маблағлар йўл ҳаракатини рақамлаштириш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, йўл-патруль хизмати ходимларининг қўшимча штатларини киритишга сарфланиши белгилаб берилганлиги маълумот ва амалий фаолииятда қўлланма учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимининг мазкур қарори билан

а) Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (И.Ахатов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят бошқармаси (Ғ.Қурбонов), Ички ишлар бошқармаси (Ғ.Қодиров), шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда икки ой муддатда, шу жумладан давлат-хусусий шерикчилик асосида инвесторларни жалб қилган ҳолда, чорраҳаларда рақамли бошқарув тизимини қуйидаги даврларда жорий қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш,

- 2023 йил якунига қадар вилоят марказининг йирик асосий серқатнов чорраҳаларида;

- 2024 йил якунига қадар вилоят марказининг барча чорраҳаларида

б) Вилоят ҳокимлиги ишлар бошқарувчиси (А.Абдувахобов), Молия бош бошқармаси (А.Рахматуллаев), Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров) Жиззах шаҳар ҳокимлиги (К.Холмуродов) эксплуатация-монтаж бўлинмасини йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳузурига ўтказишда:

- эксплуатация-монтаж бўлинмасининг бино ва иншоотларини,

уларнинг

ёндош ҳудудлари, моддий-техника базасини, шу жумладан янги замонавий махсус техника билан таъминлаган ҳолда топшириш чораларини кўриш;

- эксплуатация-монтаж бўлинмасининг мавжуд кредитор ва дебитор қарзлари тўланишини, маънан эскирган ва яроқсиз ҳолга келган моддий-техника воситалари ҳисобдан чиқарилишини таъминлаш,

в) Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб, ички ишлар бошқармаси (Ғ.Қодиров) ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимлари белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

4. Бахмал туман, ички ишлар бўлими (А.Жалолов), Бахмал туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Ш.Султанов) ва йўл ҳаракати ҳавфсизлиги туман бўлими бошлиғи (А.Сулаймонов) билан биргаликда бир ой муддатда транспорт ва пиёдалар оқими пиёдалар билан боғлиқ содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили асосида тумандаги аҳоли гавжум ҳудудларда пиёдалар ўтиш жойларига пиёдалар бошқарадиган светофорларни 2023 йил якунига қадар ўрнатилишини назарда тутувчи манзилли дастурни ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва ижросини тўлиқ таъминласин.

5. Туманда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий махсус комиссия таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин. Махсус комиссия зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилсин:

- йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ишончли ҳимоя қилиш, йўл инфратузилмасининг хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш;

-ҳудудларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини мунтазам равишда баҳолаб бориш, ушбу соҳада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг самарали фаолият кўрсатишини назорат қилиш;

- йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини чуқур ўрганиш, йўлларнинг

хавфли авария участкалари рўйхатини тасдиқдаш орқали келгусида уларнинг

олдини олиш юзасидан илмий асослантирилган таклифлар тайёрлаш тизимини яратиш;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, инсон омили ва коррупция ҳолатларини истисно этувчи автоматлаштирилган назорат тизимларини оммалаштиришга доир тадбирларни белгилаш;

- ҳудудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини қисқартириш бўйича дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкиллаштириш ва келишиш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

- йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими махсус комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади;

- ишчи орган мунтазам равишда тегишли давлат органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошираётган ишларини таҳлил қилиб боради ва махсус комиссиянинг йиғилишларида муҳокама қилиш учун ҳужжатларни тайёрлайди;

- ҳудудий махсус комиссия ҳар ойда йўлларнинг ҳолати ва мавжуд инфратузилма, авария учоқлари, қоидабузарликларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, ҳаракат хавфсизлиги, транспорт ва йўл соҳаларига масъул идоралар раҳбарлари фаолиятини танқидий ўрганади, Халқ депутатлари туман Кенгашига муҳокама қилиш учун киритади ва натижалари бўйича вилоят махсус комиссиясига ҳисобот тақдим этади.

7. Қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қулжанов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **М.Анарбаев**

Baxmal tuman hokimining
2022 yil 6 iyuldagi
249-3-44-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Туманда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий махсус комиссия таркиби

М.Анарбаев	Туман ҳокими, ҳудудий комиссия раиси
А.Жалолов	Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, ҳудудий комиссия раисининг ўринбосари
О.Боймуродов	Туман фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи
Ў.Юлдошев	Туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи
Н.Қодиров	Туман адлия бўлими бошлиғи
О.Камолова	Туман мактабгача таълим бўлими мудири
А.Норбоев	Туман прокурорининг биринчи ўринбосари
И.Кенжаев	Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири
Ф.Ғаффоров	Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
К.Гулбоев	Туман халқ таълими бўлими мудири
Ш.Бободўстов	Туман қурилиш бўлими бошлиғи
Н.Холбоев	Туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи
Ш.Султонов	Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғи
А.Эгамбердиев	Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари
А.Сулаймонов	Йўл ҳаракати хавфсизилиги бўлими бошлиғи, комиссия котиби

Изоҳ: Комиссия аъзоларидан бири бошқа ишга ўтганда ёки лавозимидан озод этилганда вазифалар унинг ўрнига тайинланган ҳодим зиммасига юклатилади.